



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « II » mart

№ I43

Toshkent sh.

### Ўзбекистон Республикасида бадминтон спорт турини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республикада бадминтон спорт турини янада кенг ривожлантириш, аҳоли кенг қатламларини, хусусан, ёшларни бадминтон спорт тури билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, юқори малакали тренер кадрларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш, мавжуд моддий-техника базадан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасида бадминтон спорт турини ривожлантириш чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

бадминтон спорт тури билан шуғулланувчилар учун шарт-шароитлар яратиш, ушбу спорт турининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий спорт анжомлари билан таъминлаш, ушбу йўналишда давлат-хусусий шериклик субъектларининг фаолиятини ривожлантириш;

бадминтон спорт тури бўйича кадрлар салоҳиятини янада ошириш, юқори малакали, чуқур касбий билимга ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган малакали тренерларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларни илмий-методик жиҳатдан таъминлаш;

аҳолининг кенг қатламлари ўртасида бадминтон бўйича оммавий соғломлаштириш ишларини ривожлантириш, мусобақаларни ўтказиш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва мақсадли тайёрлаш;

Ўзбекистонда бадминтон спорт турини янада ривожлантириш мақсадида ушбу спорт тури бўйича юқори натижаларга эришган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, зарур ҳолларда хорижий тренерлар ва мутахассисларни жалб қилиш;

оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, электрон ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали аҳоли ўртасида бадминтон спорт турининг соғлом турмуш тарзига ижобий таъсир этувчи восита эканлигини тарғиб қилиш ишларини ташкил этиш.

2. Дастурда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг шахсий масъулияти белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ўзбекистон бадминтон федерацияси билан биргаликда икки ҳафта муддатда ҳудудларда бадминтон спорт турини янада ривожлантириш, шу жумладан тегишли туман (шаҳар)ларда бадминтон бўйича клубларни ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури намунасини ишлаб чиқсин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборсин.

3. Қуйидагилар Дастурнинг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутилган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг “Таълим” соҳасига ажратиладиган маблағлари;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси маблағлари;

Ўзбекистон бадминтон федерацияси маблағлари;

имтиёзли хорижий кредитлар ва грантлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Республика ҳудудлари бўйича бадминтон спорт турига бириктирилаётган спорт объектлари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда Ўзбекистон бадминтон федерацияси билан биргаликда 2-илова билан бириктирилаётган спорт объектларида бадминтончилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, замонавий спорт асбоб-ускуналари, инвентарлари билан таъминлаш, бадминтон бўйича юқори даражада спорт мусобақаларни, ўқув-машқ йиғинларини ва бошқа спорт тадбирларини ўтказиш, бадминтон клубларини ташкил этиш вазифалари юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда самарали спорт инфратузилмасини яратиш мақсадида болалар майдончалари негизида тасдиқланган меъёр ва талаблар асосида бадминтон майдончаларини қуриш бўйича намунавий лойиҳа ишлаб чиқилишини ташкил этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида 2020 йилдан бошлаб бадминтон спорт тури учун 3 ойлик қисқа муддатли қайта тайёрлаш ўқув курслари ташкил этсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг бакалаврият таълим йўналишига 2020/2021 ўқув йили учун ажратилган қабул параметрларини йўналишлар бўйича тақсимлашда бадминтон спорт тури учун квоталарини оширишини таъминласин;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бадминтон спорт тури учун кафедра ташкил қилсин ҳамда юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин.

7. Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Ўзбекистон бадминтон федерациясининг Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Янгиариқ кўчасида жойлашган Хоразм теннис ва бадминтон марказини Хоразм вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси балансига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, Хоразм вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси Хоразм теннис ва бадминтон марказида бадминтончилар учун керакли шарт-шароитлар яратиш, бадминтон бўйича ўқув-машғулотлар, спорт мусобақалари, ўқув-машқ йиғинлари ва бошқа спорт тадбирларини ўтказишга ҳамда Ўзбекистон бадминтон федерацияси бадминтончилари ушбу марказдан текин фойдаланиши учун масъул ҳисобланади.

#### 8. Қуйидагилар:

“Капитал банк” АТБ ва “Давр банк” ХАТБнинг (кейинги ўринларда банклар деб аталади) Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Муқимий кўчаси, 7/3-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон бадминтон федерациясига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида тегишли бўлган маънан эскирган икки қаватли бино ўрнида (литер 0002) банклар маблағлари ҳисобидан кўп қаватли бинони (кейинги ўринларда бино деб аталади) икки йил давомида қуриш, қурилган бинони (1100 кв.м) Ўзбекистон бадминтон федерацияси балансига бадминтончилар учун ётоқхона сифатида ўтказиш шарти билан банкларга бериш;

ушбу банкларни Ўзбекистон бадминтон федерациясига бош ҳомий сифатида бириктириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги бинонинг лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминласин ва қурилиш-монтаж ишлари сифатли бажарилиши бўйича давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига бадминтон спорт турини ривожлантиришни ва мусобақаларни оммавий ахборот воситалари ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали кенг ёритиш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А. Абдуҳакимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

**Ўзбекистон Республикасида бадминтон спорт турини ривожлантириш чора-тадбирлари  
ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Амалга ошириш механизми
<b>I. Бадминтон спорт тури билан шуғулланувчилар учун шарт-шароитлар яратиш, ушбу спорт турининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий спорт анжомлари билан таъминлаш, ушбу йўналишда давлат-хусусий шериклик субъектларининг фаолиятини ривожлантириш</b>					
1.	<p>Республикадаги мавжуд барча очик ва ёпиқ турдаги спорт объектларини ва иншоотларини (давлат ва нодавлат) хатловдан ўтказиш.</p> <p>Хатлов натижаларига асосан фаолият юритмаётган ёки самарасиз фойдаланилаётган спорт иншоотларининг муносиб майдончаларида бадминтон спорт тури билан шуғулланиш учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш бўйича манзилли рўйхат (дастур)ни шакллантириш.</p>	2020 йил апрель	Ижрочилар маблаглари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон бадминтон федерацияси, Қурилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	<p>1. Республикадаги мавжуд барча очик ва ёпиқ турдаги спорт объектларини ва иншоотларини (давлат ва нодавлат) хатловдан ўтказиш юзасидан ишчи гуруҳни шакллантириш.</p> <p>2. Ишчи гуруҳ томонидан жойига чиқиб ўрганиш.</p> <p>3. Хатлов натижаларига асосан фаолият юритмаётган ёки самарасиз фойдаланилаётган спорт иншоотларининг муносиб майдончаларида бадминтон спорт тури билан шуғулланиш учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш бўйича манзилли рўйхат (дастур)ни шакллантириш ва тасдиқлаш ҳамда шу рўйхат асосида уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўриш.</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Амалга ошириш механизми
2.	<p>Республика ҳамда ҳудудий спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида бадминтон спорт тури учун назарда тутилган маблағлар миқдорини ошириш масаласини кўриб чиқиш.</p> <p>Аҳолининг барча қатламлари, жумладан, хотин-қизлар, ўқувчи ва талабалар ўртасида тизимли ўтказиладиган спорт мусобақаларига, шунингдек, спортчиларни республика ва ҳалқаро спорт тадбирларига юбориш мақсадида календарь режада назарда тутилган маблағлар ажратилишини таъминлаш.</p>	<p>Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг тасдиқланган календарь режасига асосан</p>	<p>Ижрочилар маблағлари, хомийлик хайриялари</p>	<p>Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон бадминтон федерацияси, Хотин-қизлар кўмитаси</p>	<p>1. Спорт ва оммавий жисмоний тарбия ва спорт тадбирларининг республика календарь режасида бадминтон спорт тури учун назарда тутилган маблағлар миқдорини ошириш масаласини республика комиссиясида кўриб чиқишни ташкил этиш.</p> <p>2. Аҳолининг барча қатламлари, жумладан, хотин-қизлар, ўқувчи ва талабалар ўртасида тизимли ўтказиладиган спорт мусобақаларига, шунингдек, спортчиларнинг республика ва ҳалқаро спорт тадбирларида иштирокини таъминлаш.</p>
3.	<p>Андижон, Гулистон, Термиз ва Фарғона шаҳарларида бадминтон марказларини ташкил этиш учун сендвич пенелли бадминтон залларини қуриш ва уларни анжом ва ускуналар билан жиҳозлаш.</p>	<p>2020-2021 йиллар</p>	<p>Халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг имтиёзли кредит маблағларини (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон Фармони доирасида)</p>	<p>Андижон, Сирдарё, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари, Жисмоний тарбия ва спорт азорлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Ўзбекистон бадминтон федерацияси</p>	<p>1. Андижон, Гулистон, Термиз ва Фарғона шаҳарларида сендвич пенелли бадминтон залларини қуриш ва уларда бадминтон марказларини ташкил этиш.</p> <p>2. Андижон, Гулистон, Термиз ва Фарғона шаҳарларида ташкил этиладиган бадминтон марказларини жиҳозлаш.</p>
4.	<p>Давлат таълим муассасаларининг спорт объектларида бадминтон спорт тури бўйича</p>	<p>2020 йил II чорак</p>	<p>Ижрочиларнинг ўз маблағлари,</p>	<p>Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ</p>	<p>1. Давлат таълим муассасаларининг спорт</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Амалга ошириш механизми
	яроқлилик муддати ўтган спорт анжомларини янгилаш ва қайта жиҳозлаш ишларини амалга ошириш.		ҳомийлик хайриялари	таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон бадминтон федерацияси	объектларида бадминтон спорт тури бўйича яроқлилик муддати ўтган спорт анжомлари рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш. 2. Тасдиқланган рўйхат асосида босқичма-босқич спорт анжомларини янгилаш ва қайта жиҳозлаш.
5.	Аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш, спорт билан шуғулланишига кенг имкониятлар яратиш учун маданият ва истироҳат боғлари ҳудудида, аҳоли яшаш жойларида бадминтон спорт турлари бўйича майдончаларни ташкил этиш.	2020-2021 йиллар	Инвесторларнинг маблағлари, хомийлик хайриялари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон бадминтон федерацияси	1. Аҳолининг маданий ва жисмоний дам олишини яхшилаш, соғлиғини мустаҳкамлаш, спорт билан шуғулланишига кенг имкониятлар яратиш учун маданият ва истироҳат боғлари ҳудудида, аҳоли яшаш жойларида бадминтон спорт турлари бўйича махсус майдончаларга бўлган эҳтиёжни шакллантириш ва тасдиқлаш. 2. Мазкур тасдиқланган рўйхат асосида маданият ва истироҳат боғлари ҳудудида, аҳоли яшаш жойларида бадминтон спорт турлари бўйича махсус майдончаларни ташкил этиш.

Т/р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Амалга ошириш механизми
6.	<p>Ҳар бир маҳаллада намунавий лойиҳа асосида, болалар майдончалари негизида самарали спорт инфратузилмасини яратиш ҳамда бадминтон спорт турлари бўйича майдонларни куриш.</p> <p>Бунда: болалар майдончалари мавжуд бўлмаган маҳаллалар ва кўп қаватли уйлар атрофида бадминтон спорт тури бўйича майдонларини куриш; спорт мактаблари ва хусусий тадбиркорларнинг спорт майдончаларида ижтимоий кўллаб-қувватлашга муҳтож оилалар фарзандларини бадминтон спорт тури билан шуғулланишга беғараз жалб этиш; босқичма-босқич улар орасидан қобилиятли ва истеъдодли спортчиларни аниқлаш, тажрибаси ва спорт маҳоратини ошириш, миллий терма жамоа захирасини тайёрлаш учун кенг имкониятлар яратиш.</p>	2020-2025 йиллар	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари, Хусусий тадбиркорларнинг ўз маблағлари, ҳомийлик хайриялари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республикаси кенгаши	<p>1. Ҳар бир маҳаллада намунавий лойиҳа асосида, болалар майдончалари негизида самарали спорт инфратузилмасини яратиш ҳамда бадминтон спорт турлари бўйича майдонларни куриш бўйича эҳтиёжни шакллантириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгашига тақдим этиш.</p> <p>2. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши томонидан ҳар бир маҳаллада намунавий лойиҳа асосида, болалар майдончалари негизида самарали спорт инфратузилмасини яратиш ҳамда бадминтон спорт турлари бўйича майдонларни куриш рўйхатини тасдиқлаш.</p> <p>3. Тасдиқланган рўйхат асосида белгиланган муддатларда курилиш ишларини олиб бориш.</p>
7.	<p>Ўзбекистон бадминтон федерацияси ва ҳудудий бўлинмаларининг бино ва спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш мақсадида жисмоний тарбия, спорт ва соғломлаштириш бўйича пуллик хизматларни (сервис) кенгайтириш.</p> <p>Бунда уларнинг моддий-техника базаларининг аҳволини яхшилаш, аҳолига юқори сифатли хизмат кўрсатиш шарт-</p>	2020 йил II чорак	Ижрочилар маблағлари, ҳомийлик хайриялари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон бадминтон федерацияси	1. Ўзбекистон бадминтон федерацияси ва ҳудудий бўлинмаларининг бино ва спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш мақсадида жисмоний тарбия, спорт ва соғломлаштириш бўйича пуллик хизматларни (сервис) кенгайтириш бўйича рўйхатини

Т/р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Амалга ошириш механизми
	шароитларини яратиш.				тузиш ва тасдиқлаш. 2. Тасдиқланган рўйхатга асосан жисмоний тарбия, спорт ва соғломлаштириш бўйича пуллик хизматларни ташкил этиш.
8.	Барча таълим муассасалари спорт залларида бадминтон спорт турлари бўйича машғулотлар олиб бориш учун шарт-шароитлар яратиш.	2020-2021 йиллар	Ижрочилар маблағлари, хомийлик хайриялари	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон бадминтон федерацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Таълим муассасалари спорт залларида бадминтон спорт турлари бўйича машғулотлар олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратиш.
<b>II. Бадминтон спорт тури бўйича кадрлар салоҳиятини янада ошириш, юқори малакали, чуқур касбий билимга ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган малакали тренерларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларни илмий-методик жиҳатдан таъминлаш</b>					
9.	Бадминтон спорт турини ривожлантиришда замонавий методларни қўллаш, жисмоний тарбия ўқитувчилари ва тренерларнинг билимини ошириш, шуғулланувчиларни соғломлаштириш ишларини тизимли ташкил этиш ҳамда яхшилаш мақсадида илмий, методик ва оммабоп адабиётларни чоп этиш.	2020 йил II чорақдан бошлаб ҳар йили	Ҳомийлик хайриялари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон бадминтон федерацияси	1. Бадминтон спорт турини ривожлантиришда замонавий методларни қўллаш, жисмоний тарбия ўқитувчилари ва тренерларнинг билимини ошириш, шуғулланувчиларни соғломлаштириш ишларини тизимли ташкил этиш ҳамда яхшилаш мақсадида илмий, методик ва оммабоп адабиётларни яратиш бўйича ишчи гуруҳни шакллантириш. 2. Илмий, методик ва оммабоп адабиётларни босқичма-босқич



Т/р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Амалга ошириш механизми
					<p>яратиш ва чоп этиш бўйича режа ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Яратилган илмий, методик ва оммабоп адабиётларни босқичма-босқич чоп этиш ва тасдиқланган режа бўйича жойларга етказиш.</p>
10.	<p>Бадминтон спорт турини ривожлантиришнинг омиллари бўйича республика ва халқаро миқёсида илмий-амалий конференция ва семинарлар ўтказиш.</p>	<p>2020 йил IV чоракдан бошлаб ҳар йили</p>	<p>Ижрочилар маблағлари</p>	<p>Ўзбекистон бадминтон федерацияси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси</p>	<p>Бадминтон спорт турини ривожлантиришнинг омиллари бўйича республика ва халқаро миқёсида илмий-амалий конференция ва семинарлар ўтказиш.</p>
11.	<p>Илғор хорижий тажрибани ўрганиш учун истиқболли спортчилар, тренерлар ва ҳакамларни халқаро бадминтон спорт турлари мактаблари ва марказларида тажриба оширишга (стажировкага) юбориш ҳамда хориждан малакали мутахассис ва тренерларни таклиф этиш.</p>	<p>Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг тасдиқланган календарь режасига асосан</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида кўзда тутилган маблағлар, ижрочилар маблағлари</p>	<p>Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон бадминтон федерацияси</p>	<p>1. Илғор хорижий тажрибани ўрганиш учун истиқболли спортчилар, тренерлар ва ҳакамларни халқаро бадминтон спорт турлари мактаблари ва марказларида тажриба оширишга (стажировкага) юбориш ҳамда хориждан малакали мутахассис ва тренерларни таклиф этиш рўйхатини тузиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Тасдиқланган рўйхат асосида халқаро бадминтон спорт турлари мактаблари ва марказларида тажриба оширишга (стажировкага) юбориш ҳамда хориждан малакали мутахассис ва тренерларни таклиф этиш.</p>
12.	<p>Жисмоний тарбия ва спорт бўйича</p>	<p>2020 йилидан</p>	<p>Ижрочилар</p>	<p>Жисмоний тарбия ва</p>	<p>1. Жисмоний тарбия ва спорт</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Амалга ошириш механизми
	мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида бадминтон спорт тури бўйича мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.	бошлаб	маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, ҳомийлик хайриялари	спорт вазирлиги, Ўзбекистон бадминтон федерацияси	бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида бадминтон спорт тури бўйича мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича эҳтиёжни шакллантириш ва тасдиқлаш. 2. Тасдиқланган режа ва рўйхат асосида бадминтон спорт тури бўйича мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.
<b>III. Аҳолининг кенг қатламлари орасида бадминтон бўйича оммавий соғломлаштириш ишларини ривожлантириш, мусобақаларни ўтказиш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва мақсадли тайёрлаш</b>					
13.	Ўзбекистон бадминтон федерациясининг томонидан таълим муассасалари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш. Бунда, бадминтон спорт турини ривожлантириш, таълим муассасалари спорт залларидан самарали фойдаланиш, кўшимча секциялар ташкил қилиш орқали ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш бўйича ҳамкорлик меморандумларини (уч томонлама шартнома) тузиш.	2020-2021 йиллар	Ҳомийлик хайриялари	Ўзбекистон бадминтон федерацияси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Ўзбекистон бадминтон федерациясининг томонидан таълим муассасалари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича меморандумларни (уч томонлама шартнома) тузиш.
14.	Миллий терма жамоа сафига иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция) ишларини кучайтириш учун бадминтон спорт тури бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон чемпионатларини куйидаги босқичларда ўтказишни жорий этиш: I- босқич – туман (шаҳар);	Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг тасдиқланган календарь	Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг спорт ва оммавий жисмоний тарбия	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон бадминтон федерацияси	1. Миллий терма жамоа сафига иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция) ишларини кучайтириш учун бадминтон спорт тури бўйича 1, 2 ва 3-босқичда бўлиб ўтадиган

Т/р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Амалга ошириш механизми
	II-босқич – вилоят; III-босқич – республика (финал).	режасига асосан	тадбирларининг календарь режасида кўзда тутилган маблаглари, ижрочилар маблаглари, ҳомийлик хайриялари		чемпионатлар рўйхатини тузиш ва тасдиқлаш. 2. Тасдиқланган рўйхат асосида 1, 2 ва 3-босқич чемпионатларни юқори савияда ўтказиш.
15.	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий хизматчилари ўртасида бадминтон спорт тури бўйича мусобақалар ташкил этиш орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг йил давомида мунтазам равишда спорт билан шуғулланишларини ташкил этиш.	2020 йил II чорак	Ижрочилар маблаглари	Мудофаа вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон бадминтон федерацияси, Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республикаси кенгаши	1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий хизматчилари ўртасида бадминтон спорт тури мусобақаларини ташкил этиш бўйича рўйхатни тузиш ва тасдиқлаш. 2. Тасдиқланган рўйхат асосида мусобақаларни ўтказиш ва йил давомида мунтазам равишда бадминтон спорт тури билан шуғулланишини ташкил этиш.
<b>IV. Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, электрон ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали аҳоли ўртасида бадминтон спорт турининг соғлом турмуш тарзига ижобий таъсир этувчи восита эканлигини тарғиб қилиш ишларини ташкил этиш</b>					
16.	Ўзбекистон бадминтон федерациясининг Интернет порталини яратиш ва республикада бадминтон спорт турини ривожлантириш, аҳолига бу соҳада хизмат кўрсатадиган интерактив хизматларни жорий этиш. Бунда веб-сайтларга спортчилар, тренерлар, раҳбарлар, спорт базалари бўйича тўлиқ маълумотлар киритиш ва	2020 йил II чорак	Ижрочилар маблаглари	Ўзбекистон бадминтон федерацияси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	1. Ўзбекистон бадминтон федерациясининг Интернет порталини яратиш. 2. Яратилган порталда Республикада бадминтон спорт турини ривожлантириш, аҳолига бу соҳада хизмат кўрсатадиган интерактив хизматларни жорий этиш.

Т/р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Амалга ошириш механизми
	ушбу базани доимий янгилаб бориш.				
17.	Босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали бадминтон спорт турини кенг тарғиб қилиш.	2020 йил II чорак	Ижрочилар маблағлари ва ҳомийлик хайриялари	Ўзбекистон бадминтон федерацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги	Ўзбекистон бадминтон федерациясининг мурожаатига асосан босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали бадминтон спорт турини кенг тарғиб қилиш.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “II” мартдаги 143-сон қарорига  
2-илова

**Республика ҳудудлари бўйича бадминтон спорт турига  
бириктирилаётган спорт объектлари  
РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Ҳудуд номи</b>	<b>Объект номи</b>	<b>Манзил</b>
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Нукус маиший хизмат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи спорт зали	Нукус шаҳри, А.Утепов кўчаси, рақамсиз уй
2.	Андижон вилояти	Андижон шаҳри 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби теннис мажмуаси	Андижон шаҳри, 1-кичик даха, 216-уй
		Андижон шаҳри 32-умумтаълим мактаби спорт зали	Андижон шаҳри, Салоҳият кўчаси, 110-уй
3.	Бухоро вилояти	“Хумо” спорт мажмуаси бадминтон спорт зали	Бухоро шаҳри, М.Икбол кўчаси, 16-уй
4.	Жиззах вилояти	Жиззах олимпия захиралари коллежи спорт зали (18x36)	Жиззах шаҳри, Сайилжой маҳалласи, Истиклол кўчаси, 12-уй
		Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг Жиззах филиали спорт зали	Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 259-уй
5.	Навоий вилояти	Навоий ихтисослаштирилган маданият мактаби спорт зали	Навоий шаҳри, Ғалаба шох кўчаси, 44-уй
6.	Наманган вилояти	Наманган вилояти юридик коллежи спорт зали	Наманган шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 2-уй
7.	Самарқанд вилояти	Самарқанд вилояти спортнинг уйин турлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби спорт зали	Самарқанд шаҳри, Рудаки кўчаси, 243-уй.
8.	Сирдарё вилояти	“Алпомиш” спорт мажмуаси	Гулистон шаҳри, Гулистон кўчаси
		Маданият саройи спорт зали	Гулистон тумани, Туркистон кўчаси, 16-уй

		Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби спорт зали	Ховос туман, Ховос шаҳарчаси, “Бунёдкор” маҳалласи, Катта Ўзбек Тракти М-34, Самарқанд кўчаси
9.	Сурхондарё вилояти	Термиз шаҳри Ихтисослаштирилган санъат мактаби спорт зали	Термиз шаҳри, А.Навоий кучаси, 699-уй
		Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети филиалининг спорт зали	Термиз шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 288 б-уй
10.	Фарғона вилояти	Фарғона шаҳри 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби кўп тармоқли спорт мажмуаси спорт зали	Фарғона шаҳри, Охунбобоев кўчаси
11.	Хоразм вилояти	Хоразм теннис ва бадминтон маркази	Урганч шаҳри, Янгиариқ кўчаси
12.	Қашқадарё вилояти	Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги академик лицейи спорт зали	Қарши шаҳри, А.Навоий кўчаси, 64-уй
		Шахрисабз шаҳар 14-умумтаълим мактаби спорт зали	Шахрисабз шаҳри, С.Айний кўчаси, 56-уй
<b>Тошкент шаҳар</b>			
13.	Бектемир тумани	Бектемир тумани И.М.Губкин номи Россия давлат нефт ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги академик лицейи спорт зали	Бектемир тумани, Сувсоз кўчаси, 89-уй
14.	Миробод тумани	Миробод тумани 175-сонли умумтаълим мактаби спорт зали	Миробод тумани, Саракулская кўчаси, 24-уй
15.	Мирзо Улуғбек тумани	Мирзо Улуғбек тумани 211-сонли умумтаълим мактаби спорт зали	Мирзо Улуғбек тумани, Гулсанам кўчаси, 1-уй
16.	Олмазор тумани	Олмазор тумани 196-сонли умумтаълим мактаби спорт зали	Олмазор тумани, Қора-Қамиш 2/1 мавзеси, 5а-уй
17.	Сергели тумани	Сергели тумани 300-сонли умумтаълим мактаби спорт зали	Сергели тумани, 7 мавзеси, Жаҳонаро кўчаси
18.	Учтепа тумани	Тошкент Солиқ коллежи спорт зали	Учтепа тумани, кичик халқа йўли, 3-уй

19.	Яшнобод тумани	Яшнобод туманидаги Меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежи спорт зали	Яшнобод тумани, Таракиёт кучаси 2 проезд 1-уй
20.	Чилонзор тумани	Чилонзор Тиббиёт коллежи спорт зали	Чилонзор тумани, Нурхон кўчаси, 16-уй
21.	Шайхонтохур тумани	Шайхонтохур тумани 254-сонли умумтаълим мактаби спорт зали	Шайхонтохур тумани, Нувза МФЙ, Ок тепа дахаси, 12-уй
22.	Юнусобод тумани	Юнусобод тумани 271-сонли умумтаълим мактаби спорт зали	Юнусобод тумани, Чимкент йўли кўчаси
23.	Яккасарой тумани	Яккасарой туманидаги тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейи спорт зали	Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси 5/4
<b>Тошкент вилояти</b>			
24.	Ангрен шаҳри	Ангрен шаҳри Транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи спорт зали	Ангрен шаҳри, Истикбол МФЙ, Бунёдкор кўчаси, 5/1а-уй
25.	Бекобод тумани	Бекобод тумани 7-сонли умумтаълим мактаби спорт зали	Зафар шаҳри, Гулистон МФЙ
26.	Бекобод шаҳри	Бекобод шаҳри 12-сонли умумтаълим мактаби спорт зали	Бекобод шаҳри, “Қосим ота Фармонов” МФЙ
27.	Бўка тумани	Бўка тумани Бўка Агросаноат ва транспорт касб-хунар коллежи спорт зали	Бўка тумани, А.Икромов кўчаси, 39-уй
28.	Бўстонлиқ тумани	Болалар-ўсмирлар спорт мактаби “Абай” БСМ спорт зали	Бўстонлиқ тумани, Қораманас қишлоғи, Бойтерак МФЙ, Ипак-йўли кўчаси
29.	Зангиота тумани	Зангиота тумани Болалар ўсмирлар спорт мактаби спорт зали	Эшонгузар кўрғони, Х.Нўмон кўчаси
30.	Қибрай тумани	Қибрай тумани 8-сонли умумтаълим мактаби спорт зали	Қибрай тумани, Қадирлик кўчаси
31.	Нурафшон шаҳри	Нурафшон шаҳри 1-сонли умумтаълим мактаби спорт зали	Обод турмуш МФЙ, Шон шухрат кўчаси, 1-уй

32.	Оққургон тумани	Оққургон тумани 6-сонли умумтаълим мактаби спорт зали	Оққургон тумани, Бирлик МФЙ
33.	Олмалиқ шаҳри	Олмалиқ шаҳри Болалар ўсмирлар спорт мактаби спорт зали	Олмалиқ шаҳри, Улуғбек кўчаси, 59а-уй
34.	Оҳангарон тумани	Оҳангарон тумани 12-сонли умумтаълим мактаби спорт зали	Оҳангарон тумани, Қорохтой МФЙ
35.	Паркент тумани	Паркент тумани 45-сонли умумтаълим мактаби спорт зали	Паркент тумани, Сурхи МФЙ
36.	Пскент тумани	Пскент тумани 8-сонли умумтаълим мактаби спорт зали	Пскент тумани, Гулшан кўчаси, рақамсиз уй
37.	Тошкент тумани	Тошкент тумани Болалар ўсмирлар спорт мактаби	Келес шаҳар, М.Қашқарий кўчаси, 1-уй
38.	Ўрта Чирчиқ тумани	Ўрта Чирчиқ Педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи спорт зали	Ўрта Чирчиқ тумани, Кўтарма-2 МФЙ
39.	Чиноз шаҳри	Чиноз шаҳри 40-сонли умумтаълим мактаби спорт зали	Чиноз шаҳри, Бешкапа МФЙ
40.	Чирчиқ шаҳри	Чирчиқ шаҳри 16-сонли умумтаълим мактаби спорт зали	Чирчиқ шаҳри, 8-кичик ноҳия
41.	Юқори Чирчиқ тумани	Юқори Чирчиқ тумани 37-сонли умумтаълим мактаби спорт зали	Юқори Чирчиқ тумани
42.	Янгийўл тумани	Янгийўл тумани Гулбахор саноат касб-хунар коллежи спорт зали	Янгийўл тумани, Шароф Рашидов кўчаси, 6-уй

